# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

# ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

# “ИҚТИСОДИЁТ” кафедраси

# “ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ”

**фанидан**
**2018/2019 ўқув йили учун мўлжалланган**

# СИЛЛАБУС

# “Иқтисодий таҳлил ва аудит”

**фанининг**

**2018/2019 ўқув йили учун мўлжалланган**

**СИЛЛАБУСИ**

| **Фаннинг қисқача тавсифи** | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| **ОТМнинг номи ва жойлашган манзили:** | Гулистон давлат университети | | | Гулистон шахри, IУ микрорайон | |
| **Кафедра:** | Иқтисодиёт | | | “Ижтимоий-иқтисод ” факультети | |
| **Таълим соҳаси ва йўналиши:** | 20000-Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ | 230000-Иқтисод | | | |
| **Фанни (курсни) олиб борадиган ўқитувчи тўғрисида маълумот:** | И.ф.н., доцент | **e-mail:** | | oynisa_r@mail.ru | |
| **Дарс вақти ва жойи:** | Иқтисодиёт биноси 107- аудитория | **Курснинг давомийлиги:** | | 02.09.2018-20.01.2019 | |
| **Индивидуал график асосида ишлаш вақти:** | Чоршанба ва жума кунлари 15.00 дан 17.00 гача | | | | |
| **Фанга ажратилган Соатлар** | **Аудитория соатлари** | | | **Мустақил таълим:** | 52 |
| | **Маъруза:** 4 | **Амалиёт** 68 | | | |
| **Фаннинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги :** | “Иқтисод назарияси”, “Микроиқтисодиёт”, “Макроиқтисодиёт”, “Корхона иқтисодиёти”, “Статистика”, “Бухгалтерия ҳисоби назарияси”, “Иқтисодий таҳлил ва аудит”, “АСМ иқтисодиёти”, “Пул, кредит ва банклар”, “Солиқ ва солиққа тортиш”. | | | | |
| **Фаннинг мазмуни** | | | | | |
| **Фаннинг долзарблиги ва қисқача мазмуни:** | **<u>Фанни ўқитишдан мақсад</u>** – талабаларда иқтисодиёт субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини баҳоловчи турли ахборот манбаларидан фойдаланган ҳолда уларда бўлаётган ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш ва бошқарув қарорларини қабул қилишнинг назарий асосларини ўргатишдан иборатдир.<br><br>**<u>Фаннинг вазифаси</u>** – иқтисодиёт субъектларининг фаолиятини таҳлил этишнинг назарий асосларига баҳо бериш, таҳлилнинг бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлигини ўрганиш, таҳлил жараёнида қўлланиладиган метод ва усулларни белгилаш, таҳлил ишларини ташкил этиш, таҳлил натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштиришдан иборатдир.<br><br>**<u>Фан бўйича талабаларнинг билимига, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар</u>**<br><br>“Иқтисодий таҳлил ва аудит” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр: | | | | |

| | |
|---|---|
| | -турли мулкчилик шаклида иқтисодиёт субъектларини тўғри бошқаришда таҳлилнинг ролини, иқтисодий таҳлилнинг асосий тамойиллари (принциплари)ни, иқтисодий таҳлилнинг асосий вазифаларини, фанлар таркибида иқтисодий таҳлилнинг ўрнини, иқтисодий таҳлил қилишнинг усулларини, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида иқтисодий таҳлил ишларини ташкил қилишни, иқтисодий таҳлилда фойдаланиладиган ахборот манбаларини, комплекс иқтисодий таҳлилни мазмуни ва асосий тамойилларини, хўжалик фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичларни комплекс таҳлил қилиш усулларини, автоматик бошқариш системасида комплекс иқтисодий таҳлилни ташкил қилишни шакл ва усулларини ***билиши керак;***<br><br>-таҳлил жараёнида керак бўладиган манбалар ҳажмини аниқлаш, тўплаш, уларни тўғрилигини текшириш, қайта ишлаш ва таҳлилга мослаштириш, таҳлил натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш, таҳлил натижасига хулоса ва якун ясаш ***кўникмаларига эга бўлиши керак;***<br><br>-ишлаб чиқаришни иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари якунига баҳо бериш, корхона иқтисодий салоҳиятини баҳолаш, электрон ҳисоблаш машиналари (компьютер воситалари)нинг таҳлил жараёнида қўллаш ***малакаларига эга бўлиши керак.*** |
| **Талабалар учун талаблар** | ✓ ўқитувчига ва гуруҳдошларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш;<br>✓ университет ички тартиб - интизом қоидаларига риоя қилиш;<br>✓ уяли телефонни дарс давомида ўчириш;<br>✓ берилган уй вазифаси ва мустақил иш топшириқларини ўз вақтида ва сифатли бажариш;<br>✓ кўчирмачилик (плагиат) қатъиян ман этилади;<br>✓ дарсларга қатнашиш мажбурий ҳисобланади, дарс қолдирилган ҳолатда қолдирилган дарслар қайта ўзлаштирилиши шарт;<br>✓ дарсларга олдиндан тайёрланиб келиш ва фаол иштирок этиш;<br>✓ талаба ўқитувчидан сўнг, дарс хонасига - машғулотга киритилмайди;<br>✓ талаба рейтинг баллидан норози бўлса эълон қилинган вақтдан бошлаб 1 кун мобайнида апелляция комиссиясига мурожат қилиши мумкин |
| **Электрон почта орқали муносабатлар тартиби** | Профессор-ўқитувчи ва талаба ўртасидаги алоқа электрон почта орқали ҳам амалга оширилиши мумкин, **телефон орқали баҳо масаласи муҳокама қилинмайди, баҳолаш фақатгина университет ҳудудида, ажратилган хоналарда** ва дарс давомида амалга оширилади. Электрон почтани очиш вақти соат 15.00 дан 20.00 гача |

**Фандан ўтиладиган мавзулар ва улар бўйича машғулот турларига ажратилган соатларнинг тақсимоти**

**Фанга ажратилган ўқув соатларининг ўқув турлари бўйича тақсимоти**

| № | Мавзу | Аудитория соатлари | | | | Мустақил иш | Жами |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Жами | Шу жумладан: | | | | |
| | | | Маъруза | Амалий (семенар) | Таж-риба | | |
| **5-семестр** | | | | | | | |
| 1. | Иқтисодий таҳлилнинг ривожланиш тарихи ва фан сифатида шаклланиши | **8** | 2 | **6** | | **4** | **12** |
| 2. | Иқтисодий таҳлилнинг предмети, вазифалари ва мазмуни | **6** | | **6** | | **4** | **10** |
| 3. | Иқтисодий таҳлилнинг методи ва унда қўлланиладиган анъанавий усуллар | **6** | | **6** | | **5** | **11** |
| 4. | Иқтисодий таҳлилнинг турлари, ахборот тманбалари ва иқтисодий таҳлил ишларини ташкил этиш | **6** | | **6** | | **5** | **11** |
| 5. | Корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш усуллари | **8** | | **8** | | **5** | **13** |
| | | | | | | | |
| 6. | Корхоналар молиявий фаолиятини таҳлил қилиш усуллари | **6** | | **6** | | **5** | **11** |
| 7. | Аудитнинг моҳияти, унинг мақсади ва вазифалари | **8** | 2 | **6** | | **4** | **12** |
| 8. | Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари | **6** | | **6** | | **5** | **11** |
| 9. | Аудиторлик текширувининг турлари ва шакллари | **6** | | **6** | | **5** | **11** |
| 10 | Аудиторлик текширишни режалаштириш | **6** | | **6** | | **5** | **11** |
| 11 | Аудиторлик текширувининг якуний босқичи | **6** | | **6** | | **5** | **11** |
| | | | | | | | |
| | **ЯН** | | | | | | |
| | **Жами** | 72 | 4 | 68 | | 52 | 124 |

**Фандан ўтиладиган мавзулар ва улар бўйича машғулот турларига ажратилган соатларнинг тақсимоти**

| Т/р | ФАННИНГ БЎЛИМИ ВА МАВЗУСИ, МАЪРУЗА МАЗМУНИ | Соатлар | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Жами | Маъруза | Амалий Машғулот | ТМИ |
| **1.** | Иқтисодий таҳлилнинг ривожланиш тарихи ва фан сифатида шаклланиши | **12** | **2** | **6** | **4** |
| **2.** | Иқтисодий таҳлилнинг предмети, вазифалари ва мазмуни | **10** | | **6** | **4** |
| **3.** | Иқтисодий таҳлилнинг методи ва унда қўлланиладиган анъанавий усуллар | **11** | | **6** | **5** |
| **4.** | Иқтисодий таҳлилнинг турлари, ахборот манбалари ва иқтисодий таҳлил ишларини ташкил этиш | **11** | | **6** | **5** |
| **5.** | Корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш усуллари | **13** | | **8** | **5** |
| | | | | | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| **6.** | Корхоналар молиявий фаолиятини таҳлил қилиш усуллари | **11** | | **6** | **5** |
| **7.** | Аудитнинг моҳияти, унинг мақсади ва вазифалари | **12** | **2** | **6** | **4** |
| **8.** | Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари | **11** | | **6** | **5** |
| **9.** | Аудиторлик текширувининг турлари ва шакллари | **11** | | **6** | **5** |
| **10.** | Аудиторлик текширишни режалаштириш | **11** | | **6** | **5** |
| **11.** | Аудиторлик текширувининг якуний босқичи | **11** | | **6** | **5** |
| | | | | | |
| | **ЯН** | | | | |
| | **Жами** | **124** | **4** | **68** | **52** |

## Асосий қисм

## Фан бўйича маъруза мавзулари ва уларнинг мазмуни

### Иқтисодий таҳлилнинг ривожланиш тарихи ва фан сифатида шаклланиши

Иқтисодий таҳлилнинг фан сифатида шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. Турли мулкчилик шаклида иқтисодиёт субъектларини тўғри бошқаришда таҳлилнинг роли. Хўжалик фаолиятини комплекс назорат қилишда ҳамда бошқаришда таҳлилнинг ўрни ва зарурлиги. Иқтисодий таҳлилнинг асосий тамойиллари (принциплари).

### Иқтисодий таҳлилнинг мазмуни, предмети ва вазифалари

Иқтисодий таҳлилнинг мазмуни. Иқтисодий таҳлил фанининг предмети. Иқтисодий таҳлил фанининг вазифалари. Фанлар таркибида иқтисодий таҳлилнинг ўрни. Иқтисодиёт субъектларида иқтисодий таҳлилининг ўрни ва аҳамияти.

### Иқтисодий таҳлилнинг методи ва унда қўлланиладиган анъанавий усуллар

Иқтисодий таҳлил қилишнинг усуллари, оддий-анъанавий ҳамда иқтисодий-математик усулларга тушунча.

Иқтисодий таҳлилда таққослаш усулининг қўлланилиши. Ўртача ва нисбий кўрсаткичларни ҳисоблаш, гуруҳлаштириш, балансли боғланиш, занжирли боғланиш усулларининг таҳлилда қўлланилиши. Кўрсаткичларни аниқлашда белгиларга ажратиш (деталлаштириш) ва диагностик усулларини қўлланилиш хусусиятлари. Иқтисодий таҳлилнинг иқтисодий-математик усуллари

Таҳлил жараёнида иқтисодий математик усулларни қўллашнинг зарурияти. Таъсир этувчи омилларни ҳисоблашда интеграл усулидан фойдаланиш. Таҳлилда корелляцион ва регрессион усулларнинг қўлланилиши. Жуфтли ва кўп сонли корреляция тўғрисида тушунчалар. Чизиқли ва динамик программалаштириш турларига тушунча. Иқтисодий

таҳлил қилишда назарий ўйин ва назарий хизмат кўрсатиш усулларидан фойдаланишнинг хусусиятлари. Иқтисодий таҳлилда мультипликатив ҳамда касрли моделлардан фойдаланиш Омиллар системасини детерминантлашган моделларда акс эттириш. Стохастик моделлар тўғрисида тушунча ҳамда иқтисодиёт субъектлари фаолиятининг сон ва сифат ўзгаришларини таҳлил қилишда уларнинг қўлланилиши.

### Иқтисодий таҳлилнинг турлари, ахборот манбалари ва иқтисодий таҳлил ишларини ташкил этиш

Иқтисодий таҳлилнинг турлари ва уларнинг иқтисодий моҳияти. Иқтисодий таҳлилни бошқарув ва молиявий таҳлил турларига ажратишнинг зарурлиги. Ички ва ташқи таҳлил. Тезкор (оператив), жорий ва истиқболли таҳлил. Техник-иқтисодий, ижтимоий-иқтисодий ва экологик – иқтисодий таҳлил турлари. Функционал-қийматли таҳлил иқтисодий таҳлилнинг муҳим шакли. Иқтисодий таҳлилда фойдаланиладиган ахборот манбалари. Иқтисодий таҳлил учун керакли манбаларга қўйиладиган талаблар ва уларнинг тўғрилигини текшириш. Таҳлилни манбалар билан таъминлашни яхшилаш йўллари. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида иқтисодий таҳлил ишларини ташкил қилиш. Ташқи ва ички таҳлил. Иқтисодий таҳлилни ташкил қилиш босқичлари. Таҳлил жараёнида керак бўладиган манбалар ҳажмини аниқлаш, тўплаш, уларни тўғрилигини текшириш, қайта ишлаш ва таҳлилга мослаштириш. Таҳлил натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш, таҳлил натижасига хулоса ва якун ясаш, натижаларни расмийлаштириш, аниқланган имкониятлардан фойдаланиш бўйича таклифлар келтириш. Таҳлил натижаларини хўжалик субъектларининг фаолиятида қўллаш, ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиш босқичи.

### Корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш усуллари

Комплекс иқтисодий таҳлилни ташкил қилиш асослари, мазмуни ва асосий тамойиллари. Экстенсив ва интенсив ўсиш муносабатларини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими. Хўжалик фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичларни комплекс таҳлил қилиш усуллари. Комплекс иқтисодий таҳлил натижалари асосида хўжалик фаолиятига комплекс баҳо беришда таяниладиган кўрсаткичлар. Иқтисодиёт субъектларининг маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг сотилишини муҳим кўрсаткичларини таҳлил қилиш. Президент И.А.Каримовнинг “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” номли асарида келтирилган ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича тармоқ дастурларини амалга оширишнинг аҳамияти Меҳнат ресурслари билан таъминланганлик ва уларнинг унумдорлигини таҳлил қилишнинг услубий асослари. Асосий фондлар самарадорлигини таҳлил этишнинг услубий асослари. Материал бойликлардан фойдаланиш таҳлилининг услубий асослари. Ердан

фойдаланиш кўрсаткичларини таҳлил қилишнинг услубий жиҳатлари. Корхона иқтисодий салоҳиятини баҳолашнинг услубий асослари.

**Корхоналар молиявий фаолиятини таҳлил қилиш усуллари**

Иқтисодий таҳлил ўтказувчи ходимнинг автоматлашган иш жойи. Автоматлашган бошқариш системаси (АБС)да таҳлилни ташкил этишнинг зарурий шарт-шароитлари. АБСда комплекс иқтисодий таҳлилни ташкил қилишни шакл ва усуллари. АБСдаги иқтисодий таҳлилнинг ўрни ва электрон ҳисоблаш машиналари (компьютер воситалари)нинг қўлланиш имкониятлари. Иқтисодий таҳлил қилишнинг АБСни мустақил умумий система билан таъминлаш муаммолари.

**Аудитнинг моҳияти, унинг мақсади ва вазифалари**

Аудитнинг пайдо булиши ва ривожланиши. Аудит ва аудиторлик фаолиятининг моҳияти. Ўзбекистон Республикасининг молиявий назорат тизимида аудитнинг тутган ўрни. Аудит мақсади ва вазифалари. Аудиторлик фаолиятининг ривожланиш босқичлари. Тасдиқловчи аудит. Мақсадли системали аудит. Таваккалчиликка асосланган аудит. Аудит ва бухгалтерия ҳисоби ўртасидаги фарқлар. Аудит ва тафтиш, уларнинг ўхшашлик ва фарқли томонлари.

Мажбурий аудиторлик текшируви. Ташаббус тарзидаги (ихтиёрий) аудиторлик текшируви. Назорат қилувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ташаббусига кўра аудит ўтказиш хусусиятлари. Операцион аудит. Мувофиқлик аудити. Молиявий ҳисобот аудити. Ички ва ташқи аудит. Аудиторлик ташкилотларининг профессионал хизматлари.

**Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари**

Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятини меъёрий тартибга солиш тизими, унинг элементлари. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ва унинг аҳамияти. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларининг аҳамиятини хамда улар сифатини ошириш тўғрисида»ги Қарорларининг моҳияти. Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторларининг миллий ассоциацияси (ЎБАМА) ва унинг фаолият йўналишлари. Ўзбекистон Аудиторлар Палатаси (ЎАП) ва унинг фаолияти. Аудиторлик фаолиятининг стандартлари. Аудиторлик ташкилотларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарликлари.

Аудиторлик касбига малакавий талаблар ва аудиторлик фаолиятини лицензиялаш. Аудиторлик ташкилоти ва аудиторларнинг мустақиллиги. Аудитор ахлоқи (этикаси). Аудитор ишларининг сифатини назорат қилиш.

**Аудиторлик текширувининг турлари ва шакллари**

Мажбурий аудиторлик текшируви. Ташаббус тарзидаги (ихтиёрий) аудиторлик текшируви. Назорат қилувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи

органлар ташаббусига кўра аудит ўтказиш хусусиятлари. Операцион аудит. Мувофиқлик аудити. Молиявий ҳисобот аудити. Ички ва ташқи аудит. Аудиторлик ташкилотларининг профессионал хизматлари. Муҳимлик тушунчаси, Муҳимлик даражаси, уни аниқлаш ва аудит ўтказишда қўллаш. Муҳимлик тушунчаси ва унинг аудитдаги аҳамияти. Муҳимлик даражасини аниқлашда қўлланиладиган асосий кўрсаткичлар тизимини шакллантириш тартиби. Муҳимлик даражасини аудитда қўллаш тартиби. Аудиторлик риски тушунчаси, аудиторлик рискларнинг мақбул тўплами, унинг элементлари ва уларни баҳолаш. Аудиторлик риски тушунчаси, аудиторлик рискларнинг мақбул тўплами ва унга таъсир кўрсатадиган шарт-шароитлар. Аудиторлик рисклар мақбул тўпламининг элементлари ва уларни баҳолаш. Муҳимлик даражаси ва аудиторлик риски тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги.

**Аудиторлик текширишни режалаштириш**

Аудиторлик текширувини режалаштиришнинг мақсади ва вазифалари. Аудитни режалаштиришнинг босқичлари. Аудитни дастлабки режалаштириш. Аудитнинг умумий режасини тайёрлаш ва тузиш. Аудит дастурини тайёрлаш ва тузиш. Аудитни режалаштиришнинг асосий тамойиллари. Уйғунлик, узлуксизлик ва мақбуллик тамойиллари. Корхонани аудиторлик текширувидан ўтказиш ишчи дастури ва аудиторлик хизмати кўрсатиш ҳақида шартнома ҳамда бошқа зарур ҳужжатларни тузиш. Текшириладиган корхона (мижоз) фаолиятини ўрганиш. Бухгалтерлик ҳисобининг ташкил этилишини ўрганиш. Корхона бухгалтериясининг ташкилий тузилмаси, ташкилий тузилмада кўрсатилган ҳар бир ходимнинг вазифалари ва масъулиятларининг баёни; ҳисоб циклининг муҳим участкалари бўйича ҳужжатлар айланиш режа-графигини текшириш. Корхона ҳисоб сиёсатини ўрганиш. Ички назорат тизимини ўрганиш. Назорат муҳити. Корхонадаги бухгалтерлик ҳисоби тизими. Назорат амаллари. Аудиторлик далиллар тушунчаси. Аудиторлик далилларнинг тайинланиши ва олдига қўйиладиган талаблар. Аудиторлик далилларнинг турлари. Аудиторлик далилларнинг манбалари. Аудиторлик амаллари ва аудиторлик далилларни тўплаш. Аудиторлик далилларни олиш усуллари. Аналитик процедуралар (таҳлилий амаллар). Аудиторлик ташкилотининг иш ҳужжатлари

Аудиторлик танлаш тушунчаси. Аудиторлик танлаш усуллари. Салмоқли (репрезентатив) танлаш. Танланган маълумотларни текшириладиган тўпламга тадбиқ қилиш. Текшириладиган тўплам. Тасодифий танлаш. Систематик танлаш. Уйғунлашган танлаш. Танлаш услубини шакллантириш, танлаш хатарлари ва натижаларни баҳолаш

**Аудиторлик текширувининг якуний босқичи**

Аудиторлик текширувлар натижаларини умумлаштириш ва баҳолаш. Аудиторлик хулосаси ва ҳисоботи. Аудиторлик ҳисоботининг тузилиши. Аудиторлик ҳисоботи учун жавобгарлик. Аудиторлик хулосасининг тузилиши. Аудиторлик хулосаларининг турлари. Ижобий аудиторлик

хулосаси. Салбий аудиторлик хулосаси. Аудиторлик хулосасини тузишдан бош тортиш. Аудиторлик хулосаси учун жавобгарлик.

**Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйичакўрсатмалар ва тавсиялар**

Амалий машғулотларда талабалар иқтисодий таҳлил усулларини таҳлил жараёнида қўллашни ўрганадилар.

**Амалий машғулотларнинг тахминий тавсия этиладиган мавзулари:**

1.Иқтисодий таҳлилнинг ривожланиш тарихи ва фан сифатида шаклланиши.
2.Иқтисодий таҳлилнинг мазмуни, предмети ва вазифалари.
3.Иқтисодий таҳлилнинг методи ва унда қўлланиладиган анъанавий усуллар.
4.Иқтисодий таҳлилнинг турлари, ахборот манбалари ва иқтисодий таҳлил ишларини ташкил қилиш.
5. Кичик корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш усуллари
6. Корхоналар молиявий фаолиятини таҳлил қилиш усуллари
7. Аудитнинг моҳияти, унинг мақсади ва вазифалари
8. Ўзбекистон республикасида аудиторлик фаолиятини ҳуқуқий асослари
9. Аудиторлик текширувининг турлари ва шакллари
10. Аудиторлик текширишни режалаштириш
11. Аудиторлик текширувининг якуний босқичи

**Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар**

Фан бўйича лаборатория ишлари ўқув режада кўзда тутилмаган.

**Курс ишини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар**

Фан бўйича курс иши ўқув режада кўзда тутилмаган.

**Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Мустақил иш талабанинг мустақил таълим соатларида бажарадиган илмий изланиши бўлиб, иқтисодий таҳлил назариясини ўрганишда фаннинг бирор бир мавзусини тўлароқ ўзлаштиради ва мавзу ёзма шаклда баён этилиб, илмий раҳбардан маслаҳатлар олиб борилади. Мустақил ишни бажаришдан мақсад, талабанинг ўқиши давомида олган билимини мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш ва умумлаштиришдан иборатдир.

Мустақил таълимни ташкил этишнинг мазмуни: талабалар мустақил ишлари мавзулари келгусида бажариладиган курс ишлари ва битирув малакавий ишлари мавзулари билан узвийликда бажарилади.

**Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари:**

1. Иқтисодий таҳлилнинг тарихи ва ривожланиш истиқболлари

2. Иқтисодий таҳлилда қўллагиладиган анъанавий махсус усулларни қўллаш хусусидаги масалалар
3. Иқтисодий таҳлилда иқтисодий математик усулларни қўллаш
4. Функционал-қийматли таҳлил иқтисодий таҳлилнинг муҳим шакли сифатида.
5. Корхоналарнинг хўжалик фаолиятини таҳлил қилишга комплекс (йиғма)ва системали (тизим) ёндашиш усуллари
6. Корхоналарнинг молиявий салоҳиятини ифодаловчи асосий кўрсаткичларни таҳлил қилиш усуллари
7. Бозор иқтисодиёти шароитида бошқарув ва молиявий таҳлил турларининг моҳияти.
8. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш таҳлили
9. Корхоналарнинг мехнат ресурслари билан таъминланиши ва улардан фойдаланиш, ҳамда меҳнатга хак тўлаш фондини таҳлил қилиш
10. Молиявий натижалар таҳлили
11. Рентабеллик кўрсаткичлари таҳлили
12. Корхона хусусий капитали рентабеллиги таҳлили
13. Баланснинг харакатчанлик таҳлили
14. Пул оқимлари харакати ва уларни бошқариш таҳлили
15. Комплекс иқтисодий таҳлил ўтказишнинг кетма – кетлиги ва бажариладиган вазифаларнинг тақсимланиши.
16. Автоматик бошқариш системасида таҳлил ўтказишнинг методик, техник, дастурий ҳамда ахборот таъминотининг яратилиши.
17. Аудитнинг ва аудиторлик фаолиятининг моҳияти
18. Аудиторлик фаолиятининг ривожланиш босқичлари
19. Аудит ва бухгалтерия ҳисоби ўртасидаги фарқлар
20. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғриси”даги Қонуни ва унинг аҳамияти
21. Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторларнинг миллий ассоциацияси (ЎБАМА) ва унинг фаолият йўналишлари
22. Ўзбекистон аудиторлар палатаси (ЎАП) ва унинг фаолияти
23. Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари
24. Операцион аудитни ташкил қилиш муаммолари
25. Мувофиқлик аудити ва уни ўтказиш тартиби
26. Аудиторлик риски тушунчаси, аудиторлик рискларнинг мақбул тўплами ва унга таъсир кўрсатадиган шарт шароитлар
27. Аудитни режалаштириш босқичлари
28. Ички назорат тизимини ўрнатиш
29. Аудиторлик далиллларни турлари
30. Аудиторлик танлаш усуллари
31. Танлаш услубини шакллантириш, танлаш хатарлари ва натижаларни баҳолаш
32. Мустақил аудиторларнинг халқаро ташкилотлари

## Тавсия этилаётган адабиётлар

## Асосий адабиётлар


1. Pardaev M.Q, Xasanov B.A. Molivaviv va boshqaruv tahlili. O'quv qo'llanma. -T.: Cho'lpon, 2012. -400 b.

2. Shoalimov A.X. Tojiboyeva Sh.A. Moliyaviy va boshqaruv tahlili. O'quv qo'llanma. –T.: Iqtisodiyot, 2010. -367 b.

3. Shoalimov A.X. va boshqalar. Iqtisodiy tahlil. O'quv qo'llanma. –T.: Iqtisodiyot,. 2014. -235 б.

4. Shog'yosov T.Sh. Kompleks iqtisodiy tahlil. Darslik. -T.: Fan va texnologiya, 2012. -278 б.

5. Ваҳобов А.В., ва бошқалар. Молиявий ва бошқарув таҳлили. –Т.: Иқтисод-молия, 2013. - 480 б.


## Қўшимча адабиётлар


1. Pardayev M.Q., Isroilov B.I. Iqtisodiy tahlil. O'quv qo'llanma. –T.: Mehnat, 2004. -488 b.

2. Акрамов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: Молия, 2003. -239 б.

3. Ергешев Е.Е. Иқтисодий ва молиявий таҳлил. Дарслик. –Т.: Консаудитинформ, 2005.-374 б.

4. Пардаев М.Қ., Шоалимов А.Х. Бошқарув таҳлили. Ўқув қўлланма. -Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2005. -296.

5. Рахимов М.Ю. Молиявий таҳлил. Ўқув қўлланма. –Т.: Молия, 2007. -223 б.

6. Шоалимов А.Х., Тожибоева Ш.А. Бошқарув таҳлили. Ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисодиёт, 2003. – 140 б.

7. Pardayev M.Q., Isroilov B.I. Iqtisodiy tahlil. O'quv qo'llanma. –T.: Mehnat, 2004. -488 b.


## Интернет сайтлари


1.www.gov.uz.

2. www.pravo.eastink.uz.

3. www.mf.uz.

4. www.naaba.uz .

5. www.cer.uz.

6. www www.msu.ru.

7. www.ziyonet.uz

8. www.economics.ru.

9. www.finanaliz.kiev.ua.

10. www.stat.uz

11. www.open. Info. uz.

12. www.ifis. org.

# 4. Рейтинг баҳолаш тизими
## 4.1. Рейтинг назорати жадвали

| **Назорат тури** | **Рейтинг баҳолашлар** | | | **Жами** | **Саралаш бали** |
|---|---|---|---|---|---|
| | **1** | **2** | **3** | | |
| ЖН ( 40 %) шу жумладан | 11 | 11 | 18 | 40 | |
| ОН (30 %) | 4 | 10 | 16 | 30 | |
| ЯН (30 %) | | | | 30 | |
| **Жами:** | | | | **100** | |

| **Баҳо** | **5** | **4** | **3** | **2** |
|---|---|---|---|---|
| Рейтинг | 86-100 | 71-85 | 55-70 | 55 |
| Фанни ўзлаштириш Кўрсаткичлари | -124 | - | - | 86 |
| | | | | |
| | | | | |

| № | | | **Сентябр** | | | | **Октябр** | | | | | **Ноябр** | | | | **Декабр** | | | | **Январ** | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 5-10 | 12-17 | 19-24 | 19-24 | 26-3 | 5-10 | 12-17 | 19-24 | 26-31 | 2-7 | 9-14 | 16-21 | 23-28 | 30-5 | 7-12 | 14-19 | 21-26 | 28-2 | 4-9 | | | |
| | | | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1 | **ЖН 40%** | Амалиёт | | | | | | 6 | | | | | | 6 | | | | | | 6 | | | | **18** |
| | | Мустақил Таълим | | | | | 5 | | | | | | 5 | | | | 6 | | | | 6 | | | **22** |
| 2 | **ОН 30%** | Маъруза | | | | | | | | | | 6 | | | | | | | | 7 | | | | **13** |
| | | Мустақил Таълим | | | | | | 4 | | | | 4 | | | | | 4 | | | | 5 | | | **17** |
| 3 | ЯН – 30% | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 30 | | **30** |
| | **Жами** | | **15** | | | | | | **21** | | | | | | **34** | | | | | | | **30** | | **100** |
| | **Жами ГП бўйича** | | **15** | | | | | | **36** | | | | | | **70** | | | | | | | **30** | | **100** |

## 4.2. ЖНни баҳолаш мезонлари

"Иқтисодий тахлил ва аудит" фани бўйича жорий баҳолаш талабанинг амалий машғулотларидаги ўзлаштиришини аниқлаш учун қўлланилади. ЖН ҳар бир амалий машғулотларида сўров ўтказиш, савол ва жавоб шаклларда амалга оширилади. ЖН ҳар бир амалий машғулотларида сўров яъни коллоквиум ўтказиш, уй ишларини бажариш, савол ва жавоб, суҳбат шаклларда амалга оширилади. Талабага ЖН да бутун баллар қўйилади.

**Талабанинг амалий машғулотларни ўзлаштириш даражаси қуйидаги мезон асосида аниқланади**

| Баҳолаш кўрсат-кичи | Баҳолаш мезонлари | рейтинг бали |
|---|---|---|
| **Аъло, 86-100%** | Етарли назарий билимга эга. Топшириқларни мустақил ечган. Берилган саволларга тўлиқ жавоб беради. Масаланинг моҳиятига тўлиқ тушунади. Аудиторияда фаол. Ўқув тартиб интизомига тўлиқ риоя қилади. Топшириқларни намунали расмийлаштирган. | **4** |
| **Яхши, 71-85%** | Етарли назарий билимга эга. Топшириқларни ечган. Берилган саволларга етарли жавоб беради. Масаланинг моҳиятини тушунади. Ўқув тартиб интизомига тўлиқ риоя қилади. | **3** |
| **Қоникарли, 55-70%** | Топшириқларни ечишга ҳаракат қилади. Берилган саволларга жавоб беришга ҳаракат қилади. Масаланинг моҳиятини чала тушунган. Ўқув тартиб интизомига риоя қилади. | **2** |
| **Қоникарсиз 0-54%** | Талаба амалий машғулот дарси мавзусига назарий тфйёрланиб келмаса, мавзу бўйича масала, мисол ва саволларига жавоб бера олмаса, дарсга суст қатнашса билим даражаси қоникарсиз баҳоланади | **0** |

## 4.3. ОНни баҳолаш

Оралиқ назорат "Иқтисодий тахлил ва аудит" фанининг бир неча мавзуларини қамраб олган бўлими бўйича, тегишли назарий ва амалий машғулотлар ўтиб бўлингандан сўнг ёзма равишда амалга оширилади. Бундан мақсад талабаларнинг тегишли саволларни билиши ёки муаммоларни ечиш кўникмалари ва малакалари аниқланади. ОН назорат ишлари ёзма иш ва тест усилида ўтказилиши назарда тутилган, ёзма иш ва тест соволлари ишчи ўқув дастур асосида тайёрланади. ОН га ажратилган баллдан 55% дан паст балл тўплаган талаба ўзлаштирмаган ҳисобланади. ОН ни ўзлаштирмаган талабаларга қайта топшириш имконияти берилади. ОН бўйича олинадиган тестлар кафедра мудири раҳбарлигида ташкил этилади ва кафедрада ўқув йилининг охиригача сақланади.

## 4.4. ЯНни баҳолаш

Якуний назорат "Иқтисодий таҳлил ва аудит" фанининг барча мавзуларини қамраб олган бўлиб, назарий ва амалий машғулотлар ўтиб бўлингандан сўнг ёзма равишда амалга оширилади. Бундан мақсад талабаларнинг фан бўйича ўзлаштириш кўрсаткичлари, яъни билим даражаси ёки муаммоларни ечиш кўникмалари ва малакалари аниқланади. ЯН назорат ишлари тест усулида ҳам ўтказилиши назарда тутилган, тест соволлари ишчи ўқув дастури асосида тайёрланади. ОН ва ЖНларга ажратилган баллдан 55% дан паст балл тўплаган талаба ўзлаштирмаган ҳисобланади ва ЯНга киритилмайди. ЯНни ўзлаштирмаган талабаларга қайта топшириш имконияти берилади. ЯН

бўйича олинадиган ёзма иш вариантлари кафедра мудири раҳбарлигида тузилади ва деканатларга топширилади.

**Тест усулида ЯН ни баҳолаш мезонлари:**

ЯН тест ва ёзма иш шаклида ўтказилади ва талабанинг жавоблари 30 баллик тизимда баҳоланади. Бунда тестга ажратилган 10 балл 10 саволлар сонига бўлиниб, бир саволга қўйиладиган балл топилади (1 балл) уни тўғри жавоблар сонига кўпайтириб, ва ёзма ишдаги 2 та назарий саволларга 10 баллдан, жами назарий саволга 20 баллдан баҳоланиб талабанинг ЯН да тўплаган баллари аниқланади.

## 5.ИНФОРМАЦИОН-УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТ

### 5.1. АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР

| № | **Муаллиф, адабиёт номи, тури, нашриёт, йили, хажми** | **Кутубхонада мавжуд нусхаси** |
|---|---|---|
| **1.** | Pardaev M.Q, Xasanov B.A. Molivaviv va boshqaruv tahlili. O‘quv qo‘llanma. -T.: Cho’lpon, 2012. -400 b. | |
| **2.** | Shoalimov A.X. Tojiboyeva Sh.A. Moliyaviy va boshqaruv tahlili. O’quv qo’llanma. –T.: Iqtisodiyot, 2010. -367 b. | |
| **3.** | Shoalimov A.X. va boshqalar. Iqtisodiy tahlil. O’quv qo’llanma. –T.: Iqtisodiyot,. 2014. -235 б. | |
| **4.** | Shog’yosov T.Sh. Kompleks iqtisodiy tahlil. Darslik. -T.: Fan va texnologiya, 2012. -278 б. | |
| **5.** | Ваҳобов А.В., ва бошқалар. Молиявий ва бошқарув таҳлили. –Т.: Иқтисод-молия, 2013. - 480 б. | |

### 5.2. ҚЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР

| № | **Муаллиф, адабиёт номи, тури, нашриёт, йили, хажми** | **Кутуб-хонада мавжуд нусхаси** |
|---|---|---|
| **1.** | Pardayev M.Q., Isroilov B.I. Iqtisodiy tahlil. O’quv qo’llanma. –T.: Mehnat, 2004. -488 b. | |
| **2.** | Акрамов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: Молия, 2003. -239 б. | |
| **3.** | Ергешев Е.Е. Иқтисодий ва молиявий таҳлил. Дарслик. –Т.: Консаудитинформ, 2005.-374 б. | |
| **4** | Пардаев М.Қ., Шоалимов А.Х. Бошқарув таҳлили. Ўқув қўлланма. - Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2005. -296. | |
| **5** | Рахимов М.Ю. Молиявий таҳлил. Ўқув қўлланма. –Т.: Молия, 2007. -223 б. | |
| **6** | Шоалимов А.Х., Тожибоева Ш.А. Бошқарув таҳлили. Ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисодиёт, 2003. – 140 б. | |
| **7** | Pardayev M.Q., Isroilov B.I. Iqtisodiy tahlil. O’quv qo’llanma. –T.: Mehnat, 2004. -488 b. | |

Кутубхона мудираси
имзоси ва муҳри

### 5.3. ТАВСИЯ ҚИЛИНАДИГАН ҚЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР ВА АХБОРОТ МАНБАЛАРИ

| № | **Муаллиф, номи, тури, йили, ҳажми, сақланиш жойи, электрон адреси** | |
|---|---|---|
| **1.** | Ўзбекистон Республикаси “Аудит” тўғрисидаги Қонуни. | |

| | | |
|---|---|---|
| **2.** | "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, "Халқ сўзи" газетаси, 12-сон, 1996 й. | |
| **3.** | Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар Режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома (қўшимча ва ўзгаришлар билан). –Т.: 2002 й. | |

| **Т/р** | **Фаннинг бўлими ва мавзуси, маъруза мазмуни** | **Соатлар** | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **Жами** | **Маъруза** | **Амалий машғулот** | **Лаборатория машғулот** | **Мустакил иш** |
| **1** | Иқтисодий таҳлилнинг ривожланиш тарихи ва фан сифатида шаклланиши | 9 | 2 | 2 | | 5 |
| **2** | Иқтисодий таҳлилнинг предмети, вазифалари ва мазмуни | 9 | 2 | 2 | | 5 |
| **3** | Иқтисодий таҳлилнинг методи ва унда қўлланиладиган анъанавий усуллар | 13 | 4 | 4 | | 5 |
| **4** | Иқтисодий таҳлилнинг турлари, ахборот тманбалари ва иқтисодий таҳлил ишларини ташкил этиш | 13 | 4 | 4 | | 5 |
| **5** | Корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш усуллари | 14 | 4 | 4 | | 6 |
| **6** | Корхоналар молиявий фаолиятини таҳлил қилиш усуллари | 14 | 4 | 4 | | 6 |
| **7** | Аудитнинг моҳияти, унинг мақсади ва вазифалари | 14 | 4 | 4 | | 6 |
| **8** | Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари | 14 | 4 | 4 | | 6 |
| **9** | Аудиторлик текширувининг турлари ва шакллари | 13 | 4 | 4 | | 5 |
| **10** | Аудиторлик текширишни режалаштириш | 14 | 4 | 4 | | 6 |
| **11** | Аудиторлик текширувининг якуний босқичи | 10 | 2 | 2 | | 6 |

| | Жами | 137 | 38 | 38 | | 61 |
|---|---|---|---|---|---|---|

## МАВЗУЛАР ВА КЎРИЛАДИГАН АСОСИЙ МАСАЛАЛАР

| № | МАВЗУ | КЎРИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР | Информа цион - услубий таъминот |
|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| 1. | Иқтисодий таҳлилнинг ривожланиш тарихи ва фан сифатида шаклланиши | Иқтисодий таҳлилнинг фан сифатида шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. Иқтисодий таҳлил – бошқарув тизимининг махсус функцияси | |
| | Иқтисодий таҳлилнинг предмети, вазифалари ва мазмуни | Иқтисодий таҳлилнинг предмети. Иқтисодий таҳлилнинг мазмуни. Иқтисодий таҳлил фанининг вазифалари | |
| | Иқтисодий таҳлилнинг методи ва унда қўлланиладиган анъанавий усуллар | Иқтисодий таҳлилнинг методи. Иқтисодий таҳлил методининг ўзига хос хусусиятлари. Иқтисодий таҳлилнинг махсус усуллари. | |
| | Иқтисодий таҳлилнинг турлари, ахборот манбалари ва иқтисодий таҳлил ишларини ташкил этиш | Хўжалик фаолиятини таҳлил қилишнинг турларини туркумлаш ва уларнинг бошқарув функцияси. Хўжалик фаолиятини жорий (ретроспектив)ва тезкор таҳлили. Истиқбол таҳлили, молия ва техник таҳлил. Иқтисодий таҳлилнинг асосий ахборот манбалари. Иқтисодий таҳлилнинг босқичлари ва иқтисодий таҳлил дастурини тузиш. Иқтисодий таҳлил учун материалларни тайёрлаш | |
| | Корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш усуллари | Корхоналарнинг хўжалик фаолиятини таҳлил қилишга системали (тизимли) ёндашиш. Комплекс иқтисодий таҳлилни ўтказиш тартиби. Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни сотишни таҳлил қилиш усулларининг асослари. Корхоналарни меҳнат ресурслари билан таъминланиши ва улардан самарали фойдаланишни таҳлил қилиш усулларининг асослари. Асосий фондларнинг таркибини, ҳолатини ва улардан самарали фойдаланишни таҳлил қилиш | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | усулларини асослари. | |
| | Корхоналар молиявий фаолиятини таҳлил қилиш усуллари | Корхона молиявий ҳолатини баҳоловчи молиявий коэффициентлар тизими. Корхона молиявий барқарорлик кўрсаткичлари таҳлили. Молиявий натижалар ва рентабеллик кўрсаткичлари таҳлили. | |
| | Аудитнинг моҳияти, унинг мақсади ва вазифалари | Аудитнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши. Аудит ва аудиторлик фаолиятининг моҳияти, мақсади ва вазифалари.Аудитнинг турлари, хиллари ва шакллари. Аудит ва тафтиш. Хорижда аудиторлик фаолияти ва аудитнинг халқаро стандартлари. Мустақил аудиторларнинг халқаро ташкилотлари. Хорижда ички аудиторларнинг профессионал ташкилотлари. | |
| | Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари | Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятини меъёрий тартибга солиш тизими ва унинг элементлари. Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари. Аудиторлик текширувлари ва аудиторлик ташкилотларнинг профессионал хизматлари. Мажбурий ва ташаббус тарзидаги (ихтиёрий) аудиторлик текширувлари. Назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ташаббусига кўра аудит ўтказиш хусусиятлари. Аудиторлик ташкилотларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарликлари. | |
| | Аудиторлик текширувининг турлари ва шакллари | Аудитнинг турлари, хиллари ва шакллари. Аудиторлик риски. Аудит ва тафтиш. | |
| | Аудиторлик текширишни режалаштириш | Аудиторлик фаолиятини режалаштиришнинг мақсади, вазифалари, босқичлари ва асосий принциплари. Текшириладиган корхона (мижоз) фаолиятини ўрганиш. Корхонанинг ҳисоб сиёсатини ўрганиш. Аудит режаси, аудит дастури ва вақт бюджети. Корхонани аудиторлик текширувидан ўтказиш ишчи дастури ва аудиторлик хизмати кўрсатиш ҳақидаги шартнома ҳамда бошқа зарур ҳужжатларни тузиш. | |
| | Аудиторлик текширувининг якуний босқичи | Молиявий ҳисоботларда аниқланган камчилик ва хатоликлар юзасидан аудитор ҳатти ҳаракати. Аудиторлик ҳисоботи ва хулосасининг моҳияти. | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | Аудиторлик хулосасининг турлари ва тузилиши. Махсус масалалар бўйича аудиторлик хулосаси. Аудитор ахлоқи (этикаси). | |

## ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ИШИ МАЗМУНИ

| т\р | Мавзулар ва топшириқлар мазмуни | Ажратилган вақт (соат) | Информацион-услубий таъминот | Бажарилиш муддати |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Иқтисодий таҳлилнинг ва ривожланиш истиқболлари Иқтисодий таҳлил – фан сифатида шаклланиш тарихи. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган анъанавий махсус усулларни қўллаш. | 6 | | 1-4-хафта |
| 2 | Бозор иқтисодиёти шароитида бошқарув ва молиявий таҳлил турларининг моҳияти. Корхоналар фаолиятини ўрганишда ташқи таҳлилнинг аҳамияти. | 6 | | 4-6-хафта |
| 3 | Иқтисодий манбаларни турлари ва уларни ташкил қилишни асосий принциплари. | 6 | | 6-8-хафта |
| 4 | Корхоналарнинг молиявий салоҳиятини ифодаловчи асосий кўрсаткичларни таҳлил қилиш усулининг асослари. | 6 | | 8-10-хафта |
| 5 | Маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш таҳлили. | 6 | | 10-11-хафта |
| 6 | Корхонани меҳнат ресурслари билан таъминланганлик ва меҳнатга хақ тўлаш фонди таҳлили. | 6 | | 11-12-хафта |
| 7 | Молиявий натижалар таҳлили. Рентабеллик кўрсаткичлари таҳлили. | 6 | | 12-13-хафта |
| 8 | Аудит ва аудиторлик фаолияти моҳияти. Аудиторлик фаолияти | 7 | | 13-15-хафта |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | ривожланиш босқичлари. | | | |
| 9 | Ўзбекистон Республикаси бухгалтерлар ва аудиторларининг миллий ассоциацияси ва унинг йўналишлари. Ўзбекистон Аудиторлар Палатаси ва унинг фаолияти. | 6 | | 15-17-хафта |
| 10 | Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари. Аудитни режалаштириш ва ички назорат тизими. Мустақил аудиторларнинг халқаро ташкилотлари | 6 | | 17-19-хафта |

**Эслатма:** Мустақил иш топшириқлари тегишли мавзулар бўйича ўқув- методик мажмуа охирида келтирилмоқда

**“ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ” фанидан**
**рейтинг ишланмаси**

| | **Назорат турлари** | **Сони** | **Балл** | **Жами балл** |
|---|---|---|---|---|
| **1** | **ЖБ** | | | **40,0** |
| | Амалий машғулотни бажариш | 19 | 1,0 | 19,0 |
| | ТМИ | 3 | 5,0 | 15,0 |
| | Презентация | 1 | 6,0 | 6,0 |
| **2** | **ОБ** | | | **30,0** |
| | Ёзма иш | 2 | 3,5 | 7,0 |
| | Колоквиум | 2 | 4,0 | 8.0 |
| | ТМИ | 3 | 5,0 | 15.0 |
| **3** | **ЯБ** | | | **30,0** |
| | Якуний бахолаш | 1 | 30 | 30,0 |
| | Ёзма иш (3 та савол) | | (5х6,0=30,0) | |
| | Тест (30 та савол) | | (30х1,0=30,0) | |
| **4** | **Жами** | | | **100,0** |

**Талабанинг ўқув машғулотларини ўзлаштириш даражаси қуйидаги мезон асосида аниқланади**

| Баҳолаш кўрсат-кичи | Баҳолаш мезонлари | рейтинг бали |
|---|---|---|
| Аъло, 86-100% | Етарли назарий билимга эга. Топшириқларни мустақил ечган. Берилган саволларга тўлиқ жавоб беради. Масаланинг моҳиятига тўлиқ тушунади. Аудиторияда фаол. Ўқув тартиб интизомига тўлиқ риоя қилади. Топшириқларни намунали расмийлаштирган. | 4 |
| Яхши, 71-85% | Етарли назарий билимга эга. Топшириқларни ечган. Берилган саволларга етарли жавоб беради. Масаланинг моҳиятини тушунади. Ўқув тартиб интизомига тўлиқ риоя қилади. | 3 |
| Қоникарли, 55-70% | Топшириқларни ечишга ҳаракат қилади. Берилган саволларга жавоб беришга ҳаракат қилади. Масаланинг моҳиятини чала тушунган. Ўқув тартиб интизомига риоя қилади. | 2 |
| Қоникарсиз 0-54% | Талаба амалий машғулот дарси мавзусига назарий тайёрланиб келмаса, мавзу бўйича масала, мисол ва саволларига жавоб бера олмаса, дарсга суст қатнашса билим даражаси қониқарсиз баҳоланади | 1 |

## “ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ”
### фанидан баҳолаш мезони

1.1. ЖН бўйича амалий машғулотда қатнашиб, унинг топшириқларини тўла сифатли бажарган талабага 1,5-2 балл берилади, агар тўла бўлмаса бажариш даражасига қараб 1-1,4 баллгача берилади.

1.2. Талабалар мустақил ишларининг бажарилиши ҳажми ва сифатига қараб 1,5 дан 3 баллгача бериш мумкин.

2.1. Оралиқ назорат ёзма ёки оғзаки ўтказилиб, ундан 2 та саволга жавоб бериши сўралади.

- ҳар бир ёзма саволга 5 балл ажратилади.
- агар савол моҳияти тўла очилган бўлиб, мавзу бўйича талабанинг танқидий нуқтаи назари баён қилинган бўлса – 4,6-5 балл
- саволнинг моҳияти тўла очилган, асосий фактлар тўғри баён қилган бўлса – 4,1-4,5 балл
- саволга тўғри жавоб берилган, лекин айрим жузий камчиликлари бор бўлса – 3,6-4 балл
- берилган саволда жавоблар умумий, аммо асосий фактлар тўғри баён этилган бўлса - 3 - 3,5 балл берилади
- саволга жавоб берилган, аммо камчиликлари кўпроқ бўлса 2,5-3 балл
- саволга жавоб беришга ҳаракат қилинган, аммо фактларнинг кўпчилиги нотўғри бўлса – 1,5 - 2,4 балл берилади.

3.1. Якуний назоратда талаба 5 та саволга ёзма ёки 30 та тест саволига жавоб бериши лозим.

- ҳар бир ёзма саволга 5 балл ажратилади.
- агар савол моҳияти тўла очилган бўлиб, мавзу бўйича талабанинг танқидий нуқтаи назари баён қилинган бўлса – 4,7-5 балл

- саволнинг моҳияти тўла очилган, асосий фактлар тўғри баён қилган бўлса – 4,1-4,6 балл
- саволга тўғри жавоб берилган, лекин айрим камчиликлари бор бўлса – 3,5-4 балл
- берилган саволда жавоблар умумий ва камчиликлар кўпроқ бўлса - 3 - 3,4 балл берилади
- тест саволининг ҳар бири 1 баллик тизимида баҳоланади.

Эслатма: *Талабанинг умумий бали ҳисобланганда яхлитлаб олинади.

Эслатма: Талабанинг умумий бали ҳисобланганда яхлитлаб олинади.

## 5.ИНФОРМАЦИОН-УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТ

### 5.1. АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР

| № | Муаллиф, адабиёт номи, тури, нашриёт, йили, хажми | Кутубхонада мавжуд нусхаси |
|---|---|---|
| 1. | Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари тўплами.- Т.: Норма, 2006. | 10 |
| 2. | Нидлз Б. Принципы бухгалтерского учета. –М.: Финансы и статистика, 2007. | |
| 3. | Куттер М.И. Теория бухгалтерского учета. Учебник 3-е изд.перераб. и доп. –М.: Финансы и статистика, 2008. | |
| 4. | Жўраев Н., Холбеков Р., Абдувохидов Ф., Илхомов Ш. Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит. Дарслик. – Т.: 2007. | |

### 5.2. ҚЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР

| № | Муаллиф, адабиёт номи, тури, нашриёт, йили, хажми | Кутуб-хонада мавжуд нусхаси |
|---|---|---|
| 1. | Махсулот (ишлар,хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби хамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида низом.ЎзР ВМ нинг қарори,1999 йил,5 феврал,№ 54 (Мазкур Низомга қуйидагиларга мувофиқ ўзгартришла киритилган ЎзР ВМ 11.063.2003 й 261-сон қарори,ЎзР ВМ 16.06.2003 й. 567-сон қарори,ЎзР ВМ 28.12.2009 й. 610-сон қарор,ЎзР ВМ 25.12.2003 й, ПҚ-244-сон қарори). | 10 |
| 2. | Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида.ЎзР Қонуни, 1996 йил 30 август | 10 |
| 3. | Хўжалик юрутувчи субйектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий андозаси 21-БҲМА. ЎзР молия вазирлиги томонидан 2002 йил 9 сентябрда 103-сон билан тасдиқланган. –Т.: НАБА , 2003 . с. 3- | 10 |

| | | |
|---|---|---|
| | 203. | |
| **4.** | Н.Санаев, Р.Нарзиев. Аудит. Т:2001. | 10 |
| **5.** | Х.Н.Мусаев. Аудит. Тошкент-Молия 2003. | 10 |
| **6.** | А.Солиев, Ҳ.Хўжахонов. Ноишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) соҳалари иқтисоди, Бухгалтерия ҳисоби ва аудити (иккинчи нашр) Т:1999 | 10 |
| **7.** | К.Аҳмаджонов, И. Якубов. Аудит асослари Т:2010. | 10 |
| **8.** | Б.Ҳошимов. Бухгалтерия ҳисоби назарияси дарслик Т:2004 | 10 |
| **9.** | М.Умарова, Ў. Эшбоев, К. Аҳмаджонов. Бухгалтерия ҳисоби Т:1999 | 10 |
| **10.** | М.Умарова, Ў. Эшбоев, К. Аҳмаджонов. Бухгалтерия ҳисоби Т:2004 | 10 |
| **11.** | А.Абдуллаев, И.Қаюмов. Бухгалтерия ҳисоби Т:2002 | 10 |
| **12.** | Ё.Абдуллаев. Статистика назарияси.Т:2000. | 10 |
| **13.** | Ё.Абдуллаев. Статистиканинг назарияси.Т:2002. | 10 |
| **14.** | А.В.Ваҳобов, Т.С.Маликов. Молия. “Ношир” Тош:2011 | 10 |
| **15.** | Р.Раджапов, Р.Дўстмурадов. «Қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби».Нукус. «Билим». 1995. | 10 |
| **16.** | А.Ризақулов.Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби.Т1998. | 10 |

**Кутубхона мудираси имзоси ва мухри**

**ИНТЕРНЕТ САЙТЛАРИ:**

Фаннинг силлабуси “Иқтисодиёт” кафедраси умумий йиғилишида 2014 йил _______08________ _1_-сон қарори билан тасдиқлаш учун Факультет УМК сига тавсия этилади.

**Кафедра мудири: ___________ О.Сатторқулов**

***Изоҳ.** Фан силлабуси Факультет УМК си томонидан Университет УМК сига тавсия қилинади. Университет УМКсида кўриб чиқилгандан кейин Илмий кенгаш қарори билан тасдиқланади.